

## БАДИЙ ИЖОДДА АНЪАНАВИЙ ТУШ РАМЗЛАРИНИНГ БЕРИЛИШИ

Истамова Шохида Махсудовна

БухДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14976879>

**Аннотация.** Ушбу мақолада фольклор хронотопи ҳисобланган туш ҳодисаси, у билан боғлиқ рамзларнинг халқона эътиқод билан чамбарчас боғлиқлиги алоҳида эътиборни тортиши, шу анъанага мувофиқ замонавий адабиёт вакиллари ҳам ўз асарларида туш тасвиридан фойдаланар эканлар, бевосита ана шу анъанадан чекинмасликка интилишлари, рамзийлик туш учун код – очқич вазифасини ўташи каби масалалар ҳақида фикр юритилади.

**Калим сўзлар:** Туш ҳодисаси, рамзийлик, код – очқич, мотив, табиат ҳодисалари, каромат, бехосият, замонавий адабиёт, жиловсиз от.

**Аннотация.** В статье рассматривается феномен сновидений, считающийся фольклорным хронотопом, тесная связь связанных с ним символов с народными верованиями, то, что в соответствии с этой традицией современные литературные деятели, используя в своих произведениях образы сновидений, стремятся не отступать напрямую от этой традиции, а также то, что символика служит своего рода кодовым ключом к сновидениям.

**Ключевые слова:** Феномен сна, символизм, код-ключ, мотив, природные явления, пророчество, безличность, современная литература, необузданный конь.

**Abstract.** This article discusses the phenomenon of dreams, which is considered a folklore chronotope, the close connection of symbols associated with it with folk beliefs, the fact that, in accordance with this tradition, modern writers, while using dream imagery in their works, strive not to deviate directly from this tradition, and the fact that symbolism serves as a code-key for dreams.

**Key words:** dream event, symbolism, code - key, motive, natural phenomena, caromat, indolence, modern literature, unbridled horse.

Туш ҳодисаси ва рамзийлик бир-бири билан боғлиқ эканлигини ҳозирги замон психоанализ таълимотининг йирик мутахассисларидан бири Эрих Фромм ҳам илмий исботлаб берган эди.<sup>1</sup> Тушдаги ҳар бир тасвир, нарса ва ҳодиса, хатти-ҳаракат ва ҳолат ўзининг маъносига – таъбирига (рамзий моҳиятига – Ш.И.) эга.

<sup>1</sup> Фромм Э. Унутилган тил // Миллий тикланиш, 1996, 20 февраль.

*Тушлар асосан, рамзий маъносига қараб таъбирланади. Шунинг учун рамзийлик туш учун код – очқич вазифасини ўтайди. Тушлар бевосита ундаги рамзий деталларга таяниб изоҳланиши таъбир ҳисобланади.* Бунда кўпроқ халқона эътиқодга таяниб, туш рамзларига муносабат билдирилиши алоҳида эътиборни тортади. Шу анъанага мувофиқ замонавий адабиёт вакиллари ҳам ўз асарларида туш тасвиридан фойдаланар эканлар, бевосита ана шу анъанадан чекинмасликка интилишади.

Бадий асарларда қўлланган туш мотивларида кўпинча қуйидагиларнинг рамзий тимсол сифатида қўлланганлигини кўрсатади:

1. Уй-рўзғор буюмлари рамзлаштирилади. Айтайлик, халқимиз орасида аёл киши тушида бешик кўрса, ўнгида тобут кўради, деган таъбир бор. Бу таъбирдан ёзувчи Ўткир Ҳошимов «Икки эшик ораси» романида ўринли фойдалана олган.<sup>2</sup> Ёзувчи тушдаги бешик тобут рамзи эканини очиб бера олган.

2. Ҳайвонлар, қушлар, ҳашоратлар рамзлаштирилади. Маълумки, туш таъбирномаларида от – тақдирни билдириб келади. Агар киши оқ отга минса, ишларининг унуми, бирданига кўтарилиб кетиши ёки узоқ юртларга сафар қилиши таъкидланади. Эгарсиз ва жиловсиз от кўринса, ишларнинг орқага кетишини билдиради. Отдан йиқилиш ёки отнинг кишини олиб қочиши хосиятсизлик, ўлим белгиси ҳисобланади.<sup>3</sup> Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романида от образи қатнашган туш мотиви орқали асар қаҳрамони Рустамжоннинг кутилмаганда узоқ юрт – Афғонистонга ҳарбий хизматга кетиб қолиши, у ердан руҳан эзилиб, асабий, тажанг бўлиб қайтишию жамиятдаги ижтимоий адолатсизликларни кўтаролмай, бевақт хазон бўлиши воқеалари бадий акс эттирилган.<sup>4</sup>

3. Сув, тоғ, жар, шамол, ёмғир, қор, туман ва ҳоказо сингари табиат ҳодисалари рамзлаштирилади. Жумладан, жар – бадий асарлардаги тушларда энг кўп қўлланадиган рамзлардан биридир. У кўпинча салбий маънода қўлланади. Айниқса, тушда жарга қулаш ҳаракати оғир дардга йўлиқиш, ҳатто ҳаётдан ногоҳоний кўз юмиш маъноларини ифодалаб келади. Туман рамзи орқали кўпинча қаҳрамон кўнглидаги дилхиралик кўрсатиб берилади.

4. Жанг қуролларининг рамзлаштирилиши. Бу жиҳатдан тушда кўпинча қиличнинг рамзлаштирилиши кузатилади: “Қутб нимани каромат қилган бўлса, ҳаммаси тўғри

<sup>2</sup> Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси. Роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – Б.156-157.

<sup>3</sup> Ботир Исимуҳаммад. Туш кўриш хосиятлари. - Т.: “Истиқлол”, 2003.

<sup>4</sup> Ўша асар, 571-бет.

чикмиш. Қутбга тушида аён бўлурки, Шайбонийхоннинг қиличини амир Зуннунбек синдирурлар. Мўътабар мунажжимлар юлдузларга қараб, бу кароматни тасдиқ қилдилар.<sup>5</sup>

Тушда қиличнинг синиши мағлубият рамзини билдиради. Асарда шу рамз орқали Шайбонийхон салтанатининг жангда мағлуб бўлишига ишора қилинаётир.

5. Аждодлар культига ишончни, марҳумлар руҳига ҳурматни ифода этувчи тушларда бу ёруғ дунёни тарқ қилиб, бақога рихлат қилган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари рамзлаштирилади. Чунки қадимги одамлар инсон ўлгандан сўнг тушларда яшайди деб ўйлашган.<sup>6</sup>

Маълумки, тушда марҳумларни безовта кўриш халқ орасида беҳосият саналади.

Бунга қуйидаги парчада ишора бор: “Юрагимни ёрдинг-а, болам, –деди аммам ич-ичига тушиб кетган чакакларини аранг кимирлатиб. – Бугун бормокчи эдим, қувватим етмади. Чолим билан Кимсанам тушимга кирибди. Икковиям безовта бўлиб юрибди, кизимга бир гап бўлди, девдим. Ростини айт. Нима бўлди ўзи?”<sup>7</sup>

Яна: “Шомуродга айтиб қўй: шу болага яна бир марта кўл кўтарса, у дунёю бу дунё норози бўламан. Чолим тушимга кириб юрибди. Бир кун йўғимда аҳволинг шу-да, деб чирқиллаяпти. Бувангни арвоҳидан кўрқмайсанларми!”<sup>8</sup>

Булар “Икки эшик ораси” романида Қора амманинг ярадорлар ортилган эшелонни кутқазиш йўлида жонини қурбон қилган турмуш ўртоғи Хусан Дума билан урушда ҳалок бўлган яккаю ёлғиз ўғли Кимсан ҳақида кўрган тушларидир.

Халқнинг эътиқодига кўра, тириклар марҳумларни безовта қилса, ўзи ҳам безовта бўлади ҳамда бесаранжом, ваҳимали тушлар кўра бошлайди. Ҳатто бедаво дардга йўлиқиб, ҳалокатга юз тутди. Ана шундай эътиқодий қарашлар ҳозирги даврда яратилаётган бадий асарларда ҳам талқин этилганлиги кузатилади. Жумладан, ёзувчи Илҳом Зойирнинг “Ажал пирамидаси” романида буни далилловчи мисол учрайди. Тарихий воқелик талқини билан бошланган бу асарда тарихий шахс – Нодиршоҳнинг туши келтирилган. У бу тушни кўришдан олдин Темурийлар хилхонасидан яшм тошни олдирган эди. Шундан бошлаб у каттиқ бош оғриғига гирифтор бўлади. Ҳатто табибнинг муолажалари ҳам унга кор қилмайди.

Демак, тушдаги рамзларнинг моҳияти асардаги воқеалар ривожидан аста-секин очиб борилади. Албатта, бунда ижодкорлар халқ анъаналаридан чекинмайдилар.

<sup>5</sup> Қодиров П. Юлдузли тунлар. Роман. Сайланма. 3 жилдлик. 3-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.249.

<sup>6</sup> Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Т.: Фан, 2011. – Б. 21.

<sup>7</sup> Хошимов Ў. Икки эшик ораси. . Роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – Б.400.

<sup>8</sup> Ўша асар, 401-бет.

Тушда кўпинча келажакда юз берадиган воқелик ҳақида рамзлар орқали хабар берилади. Тушларга ҳос шу муҳим хусусият улардан бадиий асарларда ифода воситаси сифатида фойдаланишга кенг йўл очган.

## REFERENCES

1. Истамова, Ш. М. (2021). ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА ЁЗМА АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИДА ТУШ МОТИВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ: Истамова Шоҳида Махсудовна, филология фанлари буйича фалсафа доктори. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (6), 16-19.4.
2. Makhudovna, I. S. (2023). Dreams as a Means of Psychological Analysis.
3. Истамова, Ш. М. *Поэтико-композиционные функции сна в художественном произведении* (Doctoral dissertation, (PhD) по филологии: 10.00. 02/Истамова Шоҳида Махсудовна).
4. Истамова, Ш. М. СНОВИДЕНИЯ И СИМВОЛ В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ. *Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума*, 72.
5. Анъанавий туш рамзларининг поэтик матнда берилиши ШМ Истамова - Новое слово в науке и практике: гипотезы и ..., 2017
6. Makhudovna, I. S., & To'ymurodovna, Q. G. (2024, February). BOSHLANG'ICH SINFLARDA DIDAKTIK VOSITALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. In International conference on multidisciplinary science (Vol. 2, No. 2, pp. 59-64).
7. Истамова, Ш. М., & Шарипова, М. Б. (2024). ЛИТЕРОНОМИК ТАЖНИС САНЪАТИ АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИДА. Экономика и социум, (5-2 (120)), 1072-1075.
8. Makhudovna, I. S., & Qizi, S. M. S. (2022). The role and importance of puzzles in the development of intellectual abilities of primary school students. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(2), 209-213.
9. Makhudovna, I. S., & To'ymurodovna, Q. G. (2025). ONA TILI VA O'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH (KAHOOT, EDUCAPLAY KABI PLATFORMALAR MISOLIDA). PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI, 2(2), 177-180.

10. Jalilovna, Q. Z., & Maqsudovna, S. I. (2024). O 'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA LUG 'AT USTIDA ISHLASH USULLARI. Methods of applying innovative and digital technologies in the educational system, 1(2), 184-186.
11. Jalilovna, Q. Z., & Maqsudovna, S. I. (2024). LUG'AT USTIDA ISHLASHNING LINGVISTIK ASOSLARI VA VAZIFALARI. PEDAGOG, 7(6), 186-189.
12. Sulaymonovich, S. F., & Maqsudovna, I. S. (2020). Types of lexical meanings. Journal of Critical Reviews, 7(6), 481-484.
13. Shodiyevna, N. S. (2024). IN MODERN UZBEK POETRY POETIC INTERPRETATION IMAGES WATER AND FIRE. MODERN SCIENCE, 2181, 3906.
14. Nizomova, S. (2020). Symbolic interpretations of water and fire in modern poetry. *Интернаука*, (35), 75-76.
15. Nizomova, S. S. (2023). EXPRESSION OF WATER AND FIRE ICONS IN POEMS CREATED IN THE DEFINITION OF PLACE IN MODERN UZBEK POETRY. *Journal of Modern Educational Achievements*, 8(8), 202-206.
16. NIZOMOVA, S. S. (2023). THE SYMBOLISM OF FIRE AND WATER IN POEM. *THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD*, 1(9), 48-54.
17. Husenova, A., Jumayeva, M., Nizomova, S., Shokirova, M., Himoyeva, S., & Abdullayev, S. (2024). Effectiveness of experimental work aimed at developing environmental competence of students. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 587, p. 03025). EDP Sciences.
18. Shodiyevna, N. S., & Pokizabonu, U. Interpretative Phrases Related to Water in Modern Poetry.
19. Shodiyevna, N. S. (2024). The Symbol of Fire in Poem. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 83-86.
20. Nizomova, S. (2020). ZAMONAVIY SHE'RIYATDA SUV VA OLOV BILAN BOG 'LIQ OBRAZLARNI IFODALASH AN'ANASI. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 2(2).
21. Nizomova, S. (2021). ZAMONAVIY SHE'RIYATDA OLOV ANALOGLARINING OBRAZLANTIRILISHI. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 8(8).
22. Nizomova, S. (2024). IN MODERN UZBEK POETRY POETIC INTERPRETATION IMAGES WATER AND FIRE. *Modern Science and Research*, 3(10), 171-175.
23. Nizomova, S. S., & Munisxon, O. (2024, February). THE SIGNIFICANCE OF THE MAIN ACTIVITY GAME IN THE EDUCATION OF CHILDREN IN THE PRESCHOOL EDUCATION ORGANIZATION. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL*

- E-CONFERENCE" MODERN TENDENCIES OF DIGITAL EDUCATION AND WAYS OF IMPLEMENTING THEM IN THE EDUCATIONAL PROCESS"–Brno, Czech (Vol. 1, pp. 1-5).*
24. Nizomova, S. S. (2023). EXPRESSION OF WATER AND FIRE ICONS IN POEMS CREATED IN THE DEFINITION OF PLACE IN MODERN UZBEK POETRY. *Journal of Modern Educational Achievements*, 8(8), 202-206.
25. Nizomova, S. (2024). IN MODERN UZBEK POETRY POETIC INTERPRETATION IMAGES WATER AND FIRE. *Modern Science and Research*, 3(10), 171-175.
26. Nizomova, S. S., & Munisxon, O. (2024, February). THE SIGNIFICANCE OF THE MAIN ACTIVITY GAME IN THE EDUCATION OF CHILDREN IN THE PRESCHOOL EDUCATION ORGANIZATION. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL E-CONFERENCE" MODERN TENDENCIES OF DIGITAL EDUCATION AND WAYS OF IMPLEMENTING THEM IN THE EDUCATIONAL PROCESS"–Brno, Czech (Vol. 1, pp. 1-5).*
27. Sharipova, M., & Saidova, S. (2024). THE SKILL OF CHARACTER DEVELOPMENT IN ABDULLA QAHHOR'S STORIES. *Modern Science and Research*, 3(9), 156-162.
28. qizi Hamidova, U. F., & Sharipova, M. B. (2024, February). METHODOLOGY OF DEVELOPMENT OF CREATIVE ABILITIES OF CHILDREN OF PRESCHOOL AGE. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 3, No. 1, pp. 73-82).
29. Azimov, Y., To'xsanov, Q., Adizov, B., Sharipova, M., & Hojiyeva, N. (2024). Statistical analysis of thrift and ecological education concepts in elementary school students. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 587, p. 02020). EDP Sciences.